

2012-yil,

3-mart.

Shanba

27 (31.459)

Iitimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Болалар спорти

СПОРТЧИ КИЗЛАРГА — ПРЕЗИДЕНТ COBFACH

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг шу йил 10 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида спортни таълимтарбия билан мутаносиб равишда изчил ривожлантириш зарурлигини алохида таъкидлади.

Бу жараёнда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алохида ғамхўрлик кўрсатилаётгани диккатга сазовор. Қизларимизнинг соғлом бўлиб улгайиши эртанги кунимизнинг, баркамол авлод дунёга келишининг мухим омилидир.

Юртимизда қизларни спортга жалб этиш борасида зарур шарт-шароитлар яратилди. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, олий таълим муассасаларида аёл ўқитувчи ва мураббияларни тайёрлашга кенг ўрин бе-

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча шахар ва туманларида спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи-қизларга Президент совгаси — спорт кийимлари

топширилаётгани ҳам кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёркин ифодасидир.

Сурхондарё вилоятида хам жорий йилда 15 минг 908 нафар ўкувчиқиз ана шундай спорт кийимлари билан таъминланади. Айни кунларда воха қишлоқларида спортга мехр қўйган ўқувчи-қизларга Президент совгаларини топшириш маросимлари тантанали равишда ўтказилмокда.

Шеробод туманида ташкил этилган ана шундай тадбирда махаллий хокимлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мураббийлар, таълим муассасалари ўқувчилари, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

(Давоми 4-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2012 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисини шу йил 23-24 март кунлари Тошкент шахрида ча- органларининг, Ўзбекистон Респуб-

Сенат ялпи мажлисининг кун тар тибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил қайта ислох қилиш ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмокда. Улар қаторида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хакида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хакида»ги конунлар хамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофик ишлаб чиқилган тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш. давлат хокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, СУД-ХУКУК ТИЗИМИНИ ИСЛОХ КИЛИШНИ назарда тутувчи бошқа қатор қонунлар бор.

Шу билан бирга, Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекис-

тон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофик Ўзбекистон Республикаси прокуратура қириш тўгрисида қарор қабул қилди. ликаси Хисоб палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг), Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти тўгрисидаги хисоботларини мухокама қилиш режалаштирилмоқда. Сенаторлар ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йилда давлат бошқаруви органлари, хуқуқни мухофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши холати тўгрисидаги ахборотини кўриб чиқадилар.

Навбатдаги ялпи мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш вазирлиги томонидан иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижро этилиши тўгрисидаги масала юзасидан парламент эшитувлари ўтказилиши режалаштирилмокда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллукли бошка масалалар ҳам муҳокама қилинади. Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати ЎзХДП махаллий кенгашларида



ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУР

УзХДП Тошкент шахар кенгашининг кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди. Унда Мустахкам оила йилида партия ташкилотлари ва депутатлик гурухларининг ишини самарали ташкил этиш, хусусан, «Махалла — ахолини манзилли ижтимоий кўллаб-кувватлаш маркази» лойихасини изчил амалга оширишдаги вазифалар мухокама килинди.

Таъкидландики, бугун партиямизнинг хар бир фаоли дастурий вазифалар ижросида муносиб иштирок этиши, фаол ва ташаббускор бўлиши лозим. Бу — депутатлар салохияти ва бошланғич ташкилотлар масъулиятига бевосита боғлиқдир.

⇒ 2

Оила хакидаги хикматлар

Оилани хам, жамиятимизни хам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни мехрмухаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар хам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингиллари-

Ислом КАРИМОВ

Эътироф

Ўзбекистонга 10 йил аввал хам келган эдим. Ўшанда мамлакатингизнинг гўзал ва хушманзара табиати, бетакрор таровати менда унутилмас таассурот қолдирган. Шу вақт мобайнида Ўзбекистон барча сохаларда катта муваффакиятларга эришганига гувох бўлдим. Қисқа фурсатда Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эриша олди. Бунда мамлакатингизда мавжуд сиёсий барқарорлик мухим омил бўлаётир».

Пак Хи ТЭ, (Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери).

ЎзХДПда сиёсий ва фукаролик маърифати

ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

ютуклар асоси бўлади. Сурхондарёда бўлиб ўтган семинарда бу алохида таъкидланди

УзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Сурхондарё вилоятида «Сиёсий фаоллик ва фукаролик масъулиятини оширишда Ўзбекистон ХДП тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар хамкорлигини кучайтириш» мавзуига бағишланган семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, махаллий Кенгаш депутатлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши, Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходимлари, таргиботчи гурухлар вакиллари ва хамкор ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)



ЎзХДП: устувор вазифалар

ХОТИН-КИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ —

бугунги кун талаби

■ Юртбошимиз Мустаҳкам оила йилида хар қайси оиланинг юкини хеч нолимасдан, хаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг хам чиройи, хам чарогбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан боғлиқ мухим вазифаларни амалга ошириш зарурлигини алохида таъкидлади.

Истиклол имкониятлари

Мустақиллик йилларида Фарғона вилояти шахар ва кишлоклари тобора куркам киёфа касб этиб, иктисодий-ижтимоий, маънавий жихатдан бой ва тўкис бўлиб бораётир. Бугунги кунда Қўқон ва Марғилон шахарларининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Кеча бу шахарларга келган одам бугун унинг кўчаларидаги улкан ўзгаришлар, махобатли, шинам иморатлар, янги саноат корхоналари, коллежлар ва мактаб биноларини кўриб, хайратини яшира олмайди. Қўқон шахрида олиб борилган улкан қурилишлар, кенг ва равон кўчаларнинг барпо этилганлиги шахар чиройини очиб юборди.



ФАРГОНАДА КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Бундан энг аввало одамлар мамнун бўлишмоқда

Давлатимиз рахбари Фаргонага ташрифи чогида вилоят марказида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, шахар ривожида шахарсозлик архитектураси, унинг замонавий талаблари бўйича қимматли маслахатлар берган эди.

«Фаргона шахрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция килиш чора-тадбирлари

Шундан келиб чиқиб, Президентнинг тўгрисида»ги Қарори бўйича бугун шахарда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмокда.

(Лавоми 3-бетда.)

Партиялараро бахс

ВАЪДА КАТТА ЭДИ, НАТИЖА-ЧИ?

Чакана савдо сохасида накдсиз хисоб-китоблар тизимини ривожлантириш масаласи ЎзЛиДеПнинг Сайловолди дастурида белгиланган эди. Хўш, либераллар бу борада қандай ташаббус билан чиқишди, қандай ишларни амалга оширишди?

ЎзХДП: устувор вазифалар

ХОТИН-ҚИЗЛАР

ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ

бугунги кун талаби

Мамлакатимизда кучли фукаролик жамияти куриш гоясини аёллар иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Оила, давлат ва жамият хаётида астойдил ва самарали мехнат килаётган опа-сингилларимиз мисолида буни куриб-билиб турибмиз.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ўз атрофига 150 минг нафардан ортиқ хотин-қизни бирлаштирган. Қанотимиз аъзолари сафи 2007 йилга нисбатан 10 фоизга ўсди. Партиямиз тизимидаги БПТларнинг 3 мингдан зиёдига аёллар етакчилик қилмоқда.

«Фаол аёллар» қаноти ўз фаолиятини партиямиз дастурларидан келиб чиқиб, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, БПТлар билан бирга олиб бормокда. Бу жараёнда қатор вазирликлар, «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаяпмиз.

Президентимиз илгари сурган Концепция талаблари асосида фаолиятимизни кучайтириш қанотимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ишимизни шу нуқтаи назардан танқидий баҳолаб, камчиликларни бартараф этишимиз зарур.

Маълумки, махаллий партия кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналари фаолият юритмокда. Аммо ўтган йили ўтказилган сўровномаларнинг натижаларига кўра, қишлоқлардаги хотин-қизларнинг аксарияти уларнинг фаолиятидан бехабарлиги маълум бўлди. Шу боис, қанотимиз хотин-қизлар ўртасида бу борада ташвикотни кучайтирди. «Ёш оилаларни ижтимоий жихатдан қўллаб-қувватлашда Жамоатчилик қабулхоналарининг ўрни» мавзусида семинарлар ўтказа бошладик. Шундай семинарлардан бири йил бошида пойтахтимизнинг Хамза туманида бўлиб ўтди. Бунинг натижасида ўтган қисқа вақт оралиғида депутатларга тушган мурожаатлар сони 80 дан ошди. Бу, тарғибот-ташвиқотнинг мухим эканини кўрсатди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар барча туманларда, хусусан, чекка худудлардаги БПТларда кўпроқ ташкил этилаяпти. Уларда «Сиёсатчи аёл», «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда «Фаол аёллар» қанотининг ўрни», «Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг хукукий масалалари», «Жамиятни демократлаштириш жараёнида ва давлат бошқарувида хотин-қизларнинг мавқеи ва роли» мавзулари мухокама этилаяпти. Қанот

(Давоми. Боши 1-бетда.)

аъзолари бу борада ўз фикр-мулохазаларини билдираяпти.

мустаҳкам оила йилида давлат ва жамият олдида турган вазифалар қанотимиз ишини кескин кучайтиришни талаб этаяпти. Ёш оилалар, хотин-қизларнинг муаммоларини ижобий ҳал этишда тегишли ташкилотларни жалб қилган ҳолда, уларга амалий кўмак бериш асосий эътиборимизда бўлиши керак. Бунда, хусусан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш,

кизларни ҳаётга тайёрлаш ғоятда муҳим. Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мулжалланган Ҳаракат дастурида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, касаначилик асосида меҳнат қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ишчи-ходимларни ижтимоий суғурталаш буйича кумак бериш вазифалари белгиланган. Биз уларнинг ижроси юзасидан ишимизни тизимли ташкил қилишимизарур. Айни пайтда хотин-қизлар уртасида шунга қаратилган учрашув, давра суҳбатла-

ри ва мехнат ярмаркалари ўтказилмокда. Тадбирларимизнинг хаммаси кутилган натижани бераяпти, деб бўлмайди. Хусусан, жойлардаги катор бошлангич партия ташкилотларидаги аъзоларимизнинг ишида натижа кўринмайди. Айрим аъзолар фақат сайловларда иштирок этишни кўзда тутиб, ўзини фаол ишлаётгандек қилиб кўрсатишга, қуруқ гапдан нарига ўтмаётганига токат килиб бўлмайди. Баъзи фаолларимиз депутатликка сайлангач, қанотимиздан узилиб қолаяпти. Бу эса жойларда хотин-қизлар манфаати, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, махаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссияси ёки сессияга олиб чикиш имконини кискартирмокда. Вахоланки, бу масалага депутат аёллар масъулият билан қараши лозим.

2011 йил мобайнида махаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлик гурухлари туман, шахар ва вилоят Кенгашлари сессияларига аёллар билан боглик 80 га якин масалаларни киритган, аммо Коракалпогистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида бу борада бирон-бир эътиборга молик иш килинмаган.

Жорий йилда «Фаол аёллар» қаноти хотинқизларнинг хуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган сиёсий ўқувлар ташкил этиш, оналик ва болаликни мухофаза қилиш, репродуктив саломатликни сақлаш бўйича амалий ишлар қилиш, хотин-қизларнинг бандлигига кўмаклашиш, бу борада мониторинг ўтказиш, аникланган муаммолар ечими бўйича таклифлар ишлаб чикиш режалаштирилган.

Бу вазифалар қоғозда қолиб кетмаслиги, амалда бажарилиши учун қанотимизнинг ҳар бир аъзоси фаол бўлиши талаб этилади.

мухтасар АБДУРАХМОНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши

«Фаол аёллар» қаноти рахбари.



ЎзХДП махаллий кенгашларида



ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУР

Учкун ШОЙИМКУЛОВ, ЎзХДП Тошкент шахар кенгаши раиси, шахар Кенгашидаги депутатлик гурухи

рахбари:

— Партиянинг нуфузи кўп жихатдан мамлакат такдири билан боглиқ масалаларни, кишиларимизни ўйлантираётган муаммоларни хал этиш учун астойдил харакат қилиши, давр билан елкама-елка ишлашига боглиқ. Бу вазифани бажариш учун барча-

миз бир ёқадан бош чиқариб ҳа-

ракат қилишимиз лозим. Бунда партия ташкилотлари ва депутатлик гурухларининг электорат манфаати билан боглик долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни хал этишдаги иштирокини кенгайтириш мухим ахамият касб этади. Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Харакат дастурида белгиланган вазифалар шунга қаратилган. Шу маънода, унинг ижросини таъминлаш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланиши лозим. Туман партия кенгашлари зиммасида ахоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий кўмакка мухтож кишиларга тиббий

(Давоми. Боши 1-бетда.)

хизмат сифатини яхшилаш. шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш орқали тараққиётга ҳисса қўшиш борасида вазифалар аниқ юклатилган. Ўтган йили бу борада муайян натижаларга эришилди. Хусусан, шахар Кенгаши сессияга 3 та масала киритилди. Электорат манфаати билан боғлиқ масалалар атрофлича мухокама этилиб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Айни пайтда, партиямиз депутатлик гурухи улар ижроси устидан назорат ўрнатган. Бирок камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда айрим туман кенгашлари сусткашликка йўл қўймоқда. Улар масалани жойига чиқиб, атрофлича ўрганмаган. Аксарият холларда тегишли ташкилотлардан олинган маълумотлар билан чекланиб қолади. Туман партия кенгашлари бу борадаги вазиятни изчил мониторинг қилиши, камчиликлар юзасидан асосли таклифлар ишлаб чикиши лозим. Шунда кўзланган натижага эришамиз.

Йигилишда шаҳар, хусусан, туман партия кенгашлари йўл қўяётган хато ва камчиликлар танқид қилинди. Хусусан, фукароларнинг

ўзини ўзи бошқариш идоралари — махаллалар билан хамкорликда амалий тадбирлар кам ўтказилгани, бунинг сабаблари тахлил қилинди. Бу борадаги ишни давр талаби даражасига олиб чиқиш юзасидан партия фаоллари ва депутатлар ўз фикр-мулохазаларини билдиришди.

Нуриддин ЖАЛОЛОВ, Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йигини раиси, ЎзХДП фаоли:

— Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан фукаролик жамияти институтлари хамкорлигига алохида эътибор қаратилаяпти. Бу — бежиз эмас. Партиянинг махаллани манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантиришга доир саъйхаракати самараси кўп жихатдан шунга боглик. Шу оркали ахолини ижтимоий химоя қилишга қаратилган ишлар кўлами кенгаяди. Кишиларнинг фаоллиги ошишида бу мухим ахамиятга эга. Шу боис, «Махалла — ахолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойихасининг таъсир кучини оширишга зарурат сезилмокда.

Йигилишда, шунингдек, бошлангич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш масаласи ҳам таҳлил ҳилинди. Сўзга чиқҳанлар партия

ташкилотлари ва депутатларнинг БПТ етакчилари билан иш кўникмасини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлашди. Бунда, хусусан, шахар Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари мухокамасига ижтимоий долзарб масалаларни олиб чикишда бошлангич ташкилотлар ташаббусини кўпайтириш, шу асосда аник чора-тадбирлар ишлаб чикиш керак. Бу, ўз навбатида, депутатлик гурухининг самарали ишла-

шига хизмат қилади. Шахарда ЎзХДПнинг 1300 дан ортиқ бошланғич ташкилоти бор. Чилонзор, Миробод, Олмазор, Юнусобод туман партия кенгашларида қуйи бўгинлар фаолиятини изчил йўлга қўйиш борасида муайян тажриба тўпланган. Аммо Яккасарой ва Сергели туманларида ҳали бу борада камчиликлар кўп. Мазкур туманлардаги партия кенгашлари БПТлар ишини кучайтиришга жиддий эътибор қаратиши зарур.

Йигилишда камчиликлар атрофлича тахлил қилинди, партия ташкилотлари, депутатлик гурухлари ва БПТлар талаб даражасида ишлашига қаратилган тавсиялар ишлаб чикилди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Партиялараро бахс

ВАЪДА КАТТА ЭДИ, НАТИЖА-ЧИ?

Чакана савдо сохасида нақд пулсиз хисоб-китоблар тизимини ривожлантириш масаласи ЎзЛиДеПнинг Сайловолди дастурида белгиланган эди. Хўш, либераллар бу борада қандай ташаббус билан чиқишди, қандай ишларни амалга оширишди?

Бугун мамлакатимизда пластик карточкалар билан савдо қилиш тизими жадал ривожланаяпти. Чунки бу замон тақозосига айланди, ҳар бир тижорат банки ўз мижозларига жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий банк хизматлари кўрсатишга интилмоқда.

Айтиш жоизки, накд пулсиз хисоб-китоблар механизмини ривожлантириш, ахолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган холда тўловларни амалга ошириши учун хукуматимиз кенг имконият ва кулайлик яратиб бермоқда. Президентимизнинг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган холда хисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рагбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги Қарори тизимни такомиллаштиришга самарали хизмат қилаяпти. Тижорат банклари томонидан пластик карточкалар тизимини ривожлантиришни янада жадаллаштириш максадида шахар ва туман хокимликлари, манфаатдор идоралар, компаниялар, уюшмалар билан бирга катор ижобий ишлар амалга оши-

рилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, пластик карточка накд пулсиз хисоб-китобнинг замонавий, ишончли ва кулай воситаси. Унинг жуда кўп афзалликлари бор. Хусусан, хисоб-китобнинг тезкорлиги, ёнида накд пулни бир неча бор санашга сарф киладиган вактни тежайди. Хар кандай жойда ва исталган вактда масофадан туриб тўловни амалга ошириш мумкин.

Бу борада мамлакатимизда қисқа давр ичида қатор ижобий ишлар қилинди. Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси берган маълумотга кўра, бугунги кунда пойтахтда давлат рўйхатидан ўтиб, фа-

олият кўрсатаётган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг 17 мингдан ортиғи (91 фоизи) тўлов терминаллари билан жихозланган. Шунингдек, нақд пул маблаглари билан узлуксиз таъминлаш хамда барча турдаги тўловларни амалга ошириш мақсадида пойтахтдаги банк муассасалари ва йирик корхоналарда 133 та банкомат, 238 та инфокиоск ва 2226 та касса терминаллари ўрнатилган. Тошкент шахрида жорий йилнинг 1 февраль холатига кўра, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан банк пластик карталари сони қарийб 1,4 баробарга ўсди ва 1,8 миллион донадан ошди.

Аммо шунга қарамай пластик карточкалар орқали хисоб-китоб қилишда айрим муаммолар борлигидан хам кўз юма олмаймиз. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган холда хисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги Карорининг 3-бандида келтирилган иловага асосан ахоли билан хисоб-китобларни амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича хисоб-китоб терминаллари билан жихозланиши шарт бўлган чакана савдо хамда хизмат кўрсатиш сохаси объектлари рўйхатини кенгайтириш кўзда тутилган. Унга кўра, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари — мулкчилик шакли, савдо хажми, иншоотнинг ўлчамидан қатъи назар, тўлов терминаллари билан жиҳозланиши керак. Лекин бунга ҳамма савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида амал қилинаяпти, деб бўлмайди.

Давлат солиқ құмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар булими берган маълумотлар буни тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда савол тугилади: ўз Сайловолди дастурида чакана савдо сохасида накдсиз хисоб-китобларни амалга ошириш механизмлари самарадорлигини таъминлашга ваъда берган ЎзЛиДеП фаоллари, Тошкент шахар Кенгашидаги партия депутатлик гурухи бу борада қандай ташаббус билан чиқаяпти? Юзага келаётган муаммо ва камчиликларга қай даражада эътибор қаратмокда?

Маълумотга кўра, бу масала юзасидан ЎзЛиДеП депутатлари ўтган йил давомида бирон бир ташаббус билан чиқмаган. Солиқ идоралари, тижорат банкларига биронта таклиф ёки тавсия киритмаган. Ёки ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида белгиланган бу вазифани унут-

Маълумки, терминал орқали тўловлар қабул қилинганда савдо ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга солиқ имтиёзи мавжуд, пул маблагларининг тез-

лигини ошириш хисобига инфляцион зарарнинг риски камаяди. Пластик карталар орқали хисоб-китобни ривожлантириш муомаладаги нақд пул массасини қисқартириш ва унинг тақчиллигини бартараф этиш, давлат бюджетига солиқ тушумининг ошишига хизмат килади. Шунингдек, юридик шахслар хам бир қатор имтиёзларга эга. Улар кўрсатилган хизматларга пластик карталар қўлланилиб тўланган ҳажмидан амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича фойда солиғи ёки ягона солиқ тўлайди. Қолаверса, хўжалик юритувчи субъектлар тўлов терминалларини имтиёзли кредитлардан фойдаланган холда (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи микдорида) харид қилиш ёки лизингга олиши мумкин.

Шунча имконият бўлса-да, тўлов терминалларининг ахамияти ва афзаллигини билмаганлик ёки тушунмаганлик учун тадбиркорлар ўртасида қонун бузилиш холатлари содир бўлмоқда. Англашиладики, ўзЛиДеП ўз электорати билан уларнинг бу борадаги хукукий билимини ошириш борасида тегишлича чора-тадбирлар кўрмаган.

кўрмаган.

Шу ўринда либералларга эслатиб қўймоқчимиз, партиянинг Сайловолди дастурида банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш белгиланган, вакиллик органларидаги депутатлари орқали молия ва банк тизими барқарорлигини кучайтиришга, бу борада зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг қабул қилинишига кўмаклашавериш алохида вазифа сифатида қайд

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. ЎзХДПда сиёсий ва фукаролик маърифати

ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

ютуқлар асоси бўлади. Сурхондарёда бўлиб ўтган семинарда бу алохида таъкидланди

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Бугун ахолининг сиёсий-хукукий билими, фаоллигини ошириш учун курашиш сиёсий партиялар зиммасидаги долзарб вазифалардан хисобланади. Президентимиз илгари сурган Концепцияда хам бу масалага алохида эътибор каратилган. Унда белгиланган вазифаларнинг самарали ижроси фукаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ривожланиши билан чамбарчас боглик.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу борада муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, электорат вакилларининг сиёсий-хуқуқий билимини ошириш, манфаатини химоя қилишда нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан изчил ҳамкорлик ўрнатилмоқда.

Алишер СОДИКОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

ЎзХДП фракцияси аъзоси: Мамлакатимизда 5 мингдан ортик нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритаяпти. Бу, 2000 йилга нисбатан 2,5 баробарга кўпдир. Уларнинг фаолияти кучайиши демократик қадриятлар, инсон хуқуқ ва эркинликлари химоя қилиниши, қонун устуворлиги таъминланишида мухим ахамиятга эга. Шу боис биз депутатлар хам нодавлат нотижорат ташкилотлар билан хамкорликка алохида эътибор қаратаяпмиз. Электорат ман-

фаати билан боглиқ масалаларда бу яхши самара бермоқда. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчиликнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш борасида фаолият олиб бормокда.

Асомиддин ХУМОИДДИНОВ, Фукаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилоят минтақавий бўлинмаси мутахассиси: — Демократик жараёнлар-

ни чуқурлаштириш, ахолининг

мамлакат ижтимоий-сиёсий хаётидаги иштирокини кучайтиришда сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар хамкорлиги амалий тус олиши керак. Ана шунда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлар ташаббуси билан партия электорати хамда ахоли орасида олиб борилаётган тадбирларнинг таъсирчанлиги ошади. Аммо хозир хамкорлигимиз етарли даражада эмас. Хаёт шиддат билан ўзгараяпти, давр биздан янада фаол ва ташаббускор бўлишни талаб этмокда. Шу боис, сиёсий ва фукаролик маърифати тизимидаги ўкувларда партия аъзолари ва барча даражадаги депутатлар иштирокини кучайтириш лозим.

Бахтигул НОРҚОБИЛОВА, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қумқўргон туман кенгаши вакили:

ЎзҲДП туман кенгаши билан яхши алоқа ўрнатганмиз.

Ўтган вақт давомида биргаликда кўп тадбир ўтказдик. Уларда хукукий саводхонликни ошириш, ёшларни ёт оқимлар таъсиридан асраш, айни пайтда уларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга алохида эътибор қаратилаяпти. Бу — ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топиши, максад йўлида собитқадам бўлиши учун хизмат қилмоқда. Мустахкам оила йили муносабати билан ишлаб чиқилган қўшма дастурда бу борада кўплаб тадбирлар кўзда тутил-

Тўрабек ЗОИРОВ, ЎзХДП Термиз туман кенгаши раиси:

— Семинарда билдирилган фикр-мулохазаларни тинглаб, хали килишимиз лозим бўлган ишлар кўп эканини тушундим. Туманимизда 43 та бошлангич партия ташкилоти бор. Уларга 3 минг нафардан ортиқ партия аъзоси бирлашган. Аъзолар хамфикр бўлиши, ижтимоий ўткир масалалар ечим топиши учун хаётий ташаббуслар билан чиқишида ҳуқуқий билим мухим ўрин тутади. Шу боис, сиёсий ўкувларда конунларни ўрганишга жиддий эътибор бериш керак.

оор оериш керак.
Рўзибой ЛАПАСОВ,
Олтинсой туман партия
кенгаши раиси:

— Йиғилишда билдирилган фикрлар ишимизни кучайтиришга асос бўлади. Туманимизда ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Жорий йилда 8 та касб-хунар коллежини 3 минг нафарга яқин йигит-қиз битиради. Уларни иш билан таъминлаш — долзарб масала. Биз бунга муносиб ҳисса қўшишимиз, ёшларга кўмак беришимиз керак. Шунинг учун бу борада чора-тадбирларни аниқ белгилаб олиш зарур.

Ўқув-семинар бахс-мунозара тарзида ўтди. Мухим таклифлар билдирилди. Улар сиёсий ва фукаролик маърифати тизимидаги ўкувлар самарали бўлишида асқотади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Истиклол имкониятлари

ФАРГОНАДА КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Бундан энг аввало одамлар мамнун бўлишмоқда

Фаргона Шарқ ва Гарб шаҳарсозлигининг замонавий ва миллий анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор маъмуриймаданий марказга айланиши шубхасиз. Шахарнинг йўл-транспорт тизимини такомиллаштириш, унинг меъморий кўриниши, бозор инфратузилмасини янгилаш, коммунал тузилмасини реконструкция ва модернизация қилиш, экологик зарарли ва ахоли саломатлигига таъсир кўрсатувчи корхоналарни кўчириш, янги объектлар қуриш билан боғлиқ манзилий рўйхат шунга хизмат қилади.

Минг ўринли «Санъат саройи» қурилиб, сарой ва амфитеатр атрофидаги худуд обод этилади, манзарали дарахтлар ўтқазилиб, иккита рангли-мусикали фаввора қурилади, йўлаклар, суғориш тизими, кичик меъморий шакллар ва ташки ёритиш тармоги барпо этилиб, хар томонлама кўркам истирохат маскани яратилади. Мазкур кўчада лазерли шоулар ўтказиш учун жихозланган 500 ўринли амфитеатр бунёд этилади. Бундан ташқари, шахар худудида яна учта рангли-мусикали фаввора курилади.

Ахмад Фаргоний номли маданият ва истирохат боги реконструкция қилинади, ҳудудни такомиллаштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун яхлит ишлар қилинади, янги аттракционлар ва бошқа объектлар қурилади.

«Болалар боғи» реконструкция қилинади, ундан 11 та аттракцион, 2 та «Музқаймоқ» ва «Яхна ичимликлар» кафелари, «Эсдалик совғалар» дўкони жой

«Камолот» ЁИХ вилоят бўлими биноси реконструкция қилинади ва жихозланади, унинг таркибида «Ешлар маркази» барпо этилади.

«Болажон» аквапарки такомиллаштирилади, унинг худудида куз ва бахорда фаолият кўрсатадиган аквариум ва усти ёпиқ сувли аттракционлар қурилади.

«Болажон» аквапарки ва Ахмад Фаргоний номидаги ма-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



даният ва истирохат боғи ўртасида «Камалак» болалар ўкув маркази, болалар истирохат боғи яратилади.

Шахардаги «Зиёрат», «Дўстлик», «Фарғона», «777» меҳмонхоналари реконструкция қилинади ва янги бинолар қад рост-

Бош режага асосан, эски бинолар ўрнида 60 дан зиёд кўп каватли турар-жой бинолари ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо қилинади.

— Мазкур қарорга мувофиқ Фаргона шахрида умумий узунлиги 84,8 км бўлган умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари, шахар кўчалари ва кўприклар қуриш, қайта қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилади, — дейди «Фарғонаавтойўл» худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти директори, ЎзХДПдан вилоят Кенгаши депутати Абдулбоқи Шаропов. — Шу тариқа 2012-2015 йиллар давомида 17 та объектда 150,1 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Режага кўра, Фарғона шахри Катта халқа йўлининг 14 км қисми тўлиқ қуриб тугалланиши, шу билан бирга, 14 та кўприк қурилиши кўзда тутилган.

Шахарнинг ижтимоий тармокларини ривожлантириш бўйича болалар боғчалари, махсус мактаб-интернатлар, умумтаълим мактаблари капитал таъмирланади, учта янги болалар богчаси

Дастурда, айникса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Жум-

касб-хунар коллежи учун ёпик сузиш бассейни куриб битказилади. «Дельфин» сузиш бассейни капитал таъмирланади. Спорт заллари, болалар спорт мажмуалари қад ростлайди.

Фаргона давлат университети, политехника институтининг ўқув биноси, талабалар турар-жойи капитал таъмирланади. Фаргона политехника институти учун янги спорт зали курилади.

Кичик ҳалқа йўли ёқасида 20 минг томошабинга мўлжалланган футбол стадиони қурилади, эски стадион ўрнида шахар Ёшлар спорт истирохат боғи барпо эти-

Давлат рус драма театри биносини реконструкция қилиш, Фаргона вилоят ўлкашунослик музейини капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

— Бу ишлар пухта ўйлаб, хисоб-китоб қилиб лойихалаштирилган, — дейди «Агроқурилиш» ХЖ раиси Қурбонали Абдурахмонов. — Фаргонага ташрифи чогида Юртбошимиз шаҳар қиёфаси қандай тус олишини аниқ равшан айтиб берган эди. Буни биз қурувчилар оқ фотиха деб қабул қилдик. Ўша кундан бошлаб ўнлаб қурилиш ташкилотлари, қудратли техник воситалар, барча фарғоналиклар енг шимариб бунёдкорлик иши-

Хозир Кичик ҳалқа йўли, Ёшлар саройи, шахар маркази, Санъат саройи, «Кувасой» кўчаси, қўйингки, барча иншоот ва объектларда иш қизғин. Архитектор, мутахассис-мухандис, ладан, Олимпия захиралари эколог, ирригатор, сифат инс-

пектори, хамма-хамма кўлниқўлга бериб, бир тану бир жон бўлиб шахарни обод этишга ки-

 Кўчаларимиз тор, уйларимиз пастқам ва кўримсиз эди, – дейди «Қувасой» кўчасида яшовчи Мавлуда Отахонова. — Бизга янги лойихани, қурилажак кўча ва уйлар макетини кўрсатишди. Маҳалламиз аҳли қувончдан чапак чалиб юборди. Курилишни бошласангиз, биз хам қараб турмаймиз, сизларни қўлловчи бўламиз, дедик.

 Президентимиз фарзандларимиз муносиб ҳаёт кечирсин деб шундай эзгу ишга бош бўлибди, — дейди Муборакхон **Хошимова.** — Тошкент, Андижон, Самарқанд, Наманган, Қўқонга йўлимиз тушса, ҳавас қилар эдик. Фарғона ҳам улардан кам

Эътибор беринг, бу фикрни кўчалар кенгайиши муносабати билан уйлари олинадиган хонадон эгалари айтаяптилар. Чунки улар эртанги кун, эртанги шахар бундан гўзал ва файзли бўлишига ишонади.

 Эски бўлса-да, уйимиз бозор нархида қайта бақоланди, кадастр хужжатлари тайёрланди, унга кўра, вилоят тижорат банклари орқали бизга нақд пул шаклида уй ҳақи тўланди, шаҳарнинг бешта худудидан янги уй-жой қуришга ер танлаш имкони берилди, қурилиш учун замонавий лойихалар таклиф этилди. Биз икки қаватли, ҳамма имконият мухайё янги уй лойихасини танладик, шундай кунларга етказганига шукр, — дейди Оқариқ маҳал-

Шахар марказидаги кўчада қудратли техникалар тиним билмайди. Бир лахза ўтиб, уларнинг шовқини ўрнини доира жарангию ёкимли ашула эгаллади. Узбекистон халқ артисти Ёркиной Хотамова доирани карсиллатиб лапар айтиб, хаммани ўйинга чорлади.

— Шахримизда шундай ўзгариш бўлаётганида, мен қандай қилиб уйда ўтираман, — дейди эл севган санъаткор. — Доира чалиб, қурувчилар кўнглини хуш этиб, катта ишга улуш қўшиб юрибман.

Опанинг ёнида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган Фарғона Давлат университети талабаси Дилнавоз Қўлдошева ҳам бор. Бир пайт у Ватан қадри, миллат фахри ҳақида тўлқинланиб шеър ўқий

— Қандай ажойиб халқимиз бор-а, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, ЎзХДПдан вилоят Кенгаши депутати Топиболди Холдоров. -Кеча Чимён қишлоғи фахрийларидан бири бир қоп қантак ўрикни қурувчиларга тарқатди. Хамма эзгу ишга хисса қўшсам дейди. Йиллар ўтади, лойихалар кўзларни кувонтирадиган иморатларга айланади. Хар томонлама кўркам ва бетакрор шахарда униб-ўсган авлод биздан миннатдор бўлади. Энг мухими улар биздан кўра, Президентимиз орзу қилганидек билимли, кучли, ва албатта бахтли бўлишади.

Мухаммаджон ОБИДОВ,



мораторий эълон **ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

келишиб олинди

Корея Халқ Демократик Республикаси маъмурияти ядро қуроли синовдан ўтказилишига, узоқ масофага учувчи баллистик ракеталар учирилишига хамда уранни бойитиш бўйича олиб борилаётган ишларга мораторий эълон қилишга рози экан-



лигини билдирди. Шунингдек, Йонбендаги йирик ядро объекти — илмий-тадқиқот марказига БМТнинг Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ) инспекторларини киритишга розилик

АҚШ эса бунинг эвазига КХДРга 240 минг тонна озик-овкат жўнатади. Бундан ташкари, икки томонлама алоқаларни яхшилаш юзасидан керакли чораларни

АҚШ давлат департаменти вакилидан олинган манбаларга асосланиб «Reuters» АА бу ҳақда хабар тар-

АҚШ ва КХДР ўртасида музокаралар ўтган ҳафта Пекинда бўлиб ўтди ва неча йиллардан бери биринчи бор яхши натижаларга эришилди.

Маълумки, Шимолий Корея 2003 йили Ядро куролини тарқатмаслик тўгрисидаги шартномадан чиққанлигини маълум қилган ва ўшандан бери КХДРнинг ядро дастури муаммоси бўйича АКШ. Россия. Хитой, Япония, Жанубий Корея давлатлари иштирокида бир неча марта олиб борилган олти томонлама музокаралар самарасиз якунланиб келмокда эди.

2005 йили эса КХДР ядро қуроли яратилганлиги тўгрисида биринчи марта баёнот берди. Шундан кейин, яъни 2006 ва 2009 йилларда ядро синовларини ўтказди. 2009 йилда МАГАТЭ инспекторлари мамлакатдан чиқариб

Нихоят, КХДРнинг ядро дастури муаммоси бўйича 18 йиллик самарасиз музокараларнинг илк натижалари кўзга ташлана бошлади.

КИЧИК БИР НУКСОН ХАМ

халокатга олиб келиши мумкин



Кейинги пайтларда автомобилларнинг заводдан нуқсонли чиқиши янгилик бўлмай қолди. Айнан нуқсони борлиги учун автокомпаниялар заводдан янги чиққан, лекин савдога қўйилган машиналарни чақириб

олаётгани ҳақидаги ҳабарлар оммавий ахборот воситаларида тез-тез

Шу кунларда интернет сайтларида Германиянинг «Porshe» автокомпанияси хам ўзининг юз мингдан ортик «Cayenne», «Cayenne S Hybrid» ва «Cayenne Turbo» русумли автомобилларини қайтариб олишни бошлагани хакидаги хабарларни ўкишингиз мумкин.

Маълум бўлишича, ёритгич тизимларида нуксони бўлган мазкур машиналар тормоз бериш жараёнида ёки тезликни оширганда ағдарилиб кетиши мумкин экан

Реклама

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ **«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»**

объявляет открытый конкурс на приобретение

ИНТРОСКОПОВ (РАЗМЕР ТОННЕЛЯ 600Х400) - 2 ЕД., СТАЦИОНАРНЫХ МЕТАЛЛОИСКАТЕЛЕЙ – 2 ЕД., РУЧНЫХ МЕТАЛЛОДЕТЕКТОРОВ – 3 ЕД. ДЛЯ А/П «ТАШКЕНТ».

Интроскоп (размер тоннеля 600x400) — 2 ед.

Предмет конкурса: Лот № 1.

Общие характеристики:

- Размер тоннеля: 600 мм х 400 мм. • Редактируемые аннотации к изображениям.
- Функция просмотра изображений (100 снимков). • Управляемый доступ к архиву.
- Определение усредненного типа вещества на любом произвольно выбранном участке изображе-
- Возможность многоуровневого доступа. • Готовое к подключению стандартное сетевое соединение.
- Функция органика/неорганика.
- Программа обучения оператора.
- Возможность печати изображений с рабочего места оператора.
- Обращение цветов.
- Работа с изображением в режиме реального вре-
- Самодиагностика в режиме реального времени. • Режим монохромного изображения.
- Вертикальное увеличение и панорамирование.

Предмет конкурса: Лот № 2.

Стационарный металлоискатель марки CEIA PMD2 — 2 ед.

- Общие характеристики: Повышенная селективность.
- Установка стандартных программ с различными уровнями безопасности с помощью набора Chip-карт. • Регулировка чувствительности в широком диапа-
- Устойчивость к электромагнитным помехам и механическим вибрациям.
- Возможность установки двух и более металлодетекторов на расстоянии до 5 см (автоматическое разнесение частот генерации электромагнитного поля).

Программирование:

- Через встроенную панель.
- С помощью персонального компьютера, подключенного через стандартный интерфейс последовательной связи RS232/RS485.
- Не требуется предварительная и периодическая калибровка. • Защита от несанкционированного доступа к па-
- нели управления с помощью механического ключа и системы из двух паролей.
- Обнаружение объектов, перемещающихся с высокой скоростью (до 15 м/с).

Предмет конкурса: Лот № 3. Ручной металлодетектор — 3 ед.

Общие характеристики:

- Круговая зона чувствительности по всей длине сканирующей штанги (360 градусов).
- Возможность обнаружения металлических предметов торцевой частью детектора.
- - Автоматическая настройка чувствительности. • Автоматический контроль разряда батареи.
 - Корпус из ударопрочного пластика. Влагозащищенная конструкция.



TOSHKENT YALOARO AFROPORTI

В конкурсе могут принять участие как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполнившие предъявляемые условия для участия в нем, имеющие опыт поставки соответствующих объемов закупаемой на конкурсной основе продукции. Победитель конкурса должен обеспечить сохранение общей стоимости по контракту в течение 6 месяцев со дня объявления его победителем.

Участники конкурса, представляющие предложения, должны быть зарегистрированы как юридические лица в своей стране и быть правомочными к поставке предлагаемого вида товара.

Заявки на конкурс принимаются по адресу:

Рабочий орган конкурсной комиссии. 100167, г. Ташкент, Аэропорт ГА, ул. С. Толипова.

Телефон: (99871) 140-28-88.

Факс: (99871) 140-28-00.

E-mail: Omts.tas@uzairways.com.

За дополнительной информацией участники конкурса могут обращаться:

тел./факс: (99871) 255-46-59, моб.: (99897) 710-22-53.

Срок окончания приема конкурсных предложений: до 18 часов 21 марта 2012 года.

Ограничения для участия в конкурсе: к учас-

тию в конкурсе не допускаются организации и фирмы, находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленный срок все необходимые документы, ненадлежаще исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее 6 месяцев до объявления конкурса, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиками, не отвечающие требованиям конкурсной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

СПОРТЧИ КИЗЛАРГА — ПРЕЗИДЕНТ СОВГАСИ



Юртимизда ахолини спортга кенг жалб этиш, айниқса, хотинқизлар ва болалар спортини ривожлантиришга алохида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун энг олис, чекка қишлоқларда ҳам барча қулайликларга эга болалар спорти иншоотлари бунёд этилиб, жахон андозалари даражасида жихозланаётир. Жумладан, 2003-2011 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан вилоятда 101 замонавий спорт иншооти, 8 болалар мусика ва санъат мактаби янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йили жамғарма маблағлари хамда хомий ташкилот ва тадбиркорлар кўмагида қиймати беш миллиард 928 миллион сўмлик 24 спорт иншооти барпо этилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид нихоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари жақон аренасида Ўзбекистон байрогини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халк гурури учун курашадиган махоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Вилоятда замонавий спорт иншоотларининг қад ростлаётгани нуфузли спорт мусобақаларини ўтказиш учун кенг имконият яратмоқда. Ўтган йили Термиз шахридаги барча қулайликларга эга замонавий спорт иншоотларида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўкувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақалари финал босқичи, Хаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб, миллий кураш бўйича Президентимиз соврини учун X халқаро турнир ва катталар ўртасида VIII Жахон чемпионати, Республика VI аёллар спорт фестивали, қўл тўпи бўйича қизлар иштирокидаги «Асалим» спорт фестивалининг мамлакат босқичи, Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган Халқ таълими вазирлиги соврини учун сув спорти мусобақасининг мамлакат боскичи юкори савияда ўтказилгани бунга яққол далилдир.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу спорт байрамлари олдидан Термиз шахрида ўн минг ўринли «Сурхон» спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўнга яқин спорт мажмуаси ва спорт заллари капитал таъмирланди. Ушбу иншоотларда 25 миллиард 360 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, улар 69,7 миллион сўмлик спорт анжомлари билан жихозланди.

Вохада айни пайтда олти

ёшдан 18 ёшгача бўлган 22 минг 902 ўқувчи спорт билан мунтазам, 179 минг 429 ўкувчи жисмоний согломлаштириш машгулотларида шуғулланаётир. Ўтган йили мавжуд болалар спорти иншоотлари атрофидаги 182 таълим муассасасининг 22 минг 500 дан ортиқ ўқувчиси спорт машғулотларига жалб этилди. Уларнинг саккиз мингга якини кизлардир. 2004 йили вилоятда болалар спортнинг 12 тури билан мунтазам шуғулланган бўлса, жорий йилда улар қатнашаётган спорт турларининг сони 31 тага етди. 2011 йил болалар спорти иншоотларидаги спорт секциялари 746 тадан 1 117 тага кўпайди. Спортнинг бадиий гимнастика, сузиш, стол тенниси каби нафис турлари оммалашди. Утган йили спорт билан мунтазам шуғулланаётган ўқувчиёшларнинг 1014 нафари мамлакатимиз микёсидаги мусобакаларда фаол иштирок этиб, 174 олтин, 232 кумуш, 277 бронза медалларини қўлга киритди. **Унлаб ёш спортчилар нуфузли** халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб химоя қилди. Тадбирда шулар хакида атрофлича сўз юритилди.

2012 йилда 2005 йилга нисбатан вилоятда ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция, пневмония, бронхит ва сколиоз билан касалланиш 23 фоизга камайди. Сўнгги етти йилда спорт билан шуғулланадиган 10-14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсгани, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошгани, кўкрак айланаси беш сантиметрга кенгайгани бунинг ёрқин далилидир.

Туманда спортга мехри баланд қизларнинг спорт кийимлари билан таъминланиши уларнинг са-

фини яна кенгайтиради. Кизлар нинг спорт билан мунтазам шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айни пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида ҳам мухим ахамият касб этади.

 Бизга ғамхўрлик кўрсатиб, хар томонлама соглом вояга етишимиз учун барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиздан чексиз миннатдормиз, — дейди 1-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Хадича Бозорова. — Дугоналаримнинг спорт тўгарагида қатнашаётганига қизиқиб, спортнинг волейбол тури бўйича машғулотларда иштирок этяпман. Спортнинг бу тури мени чаққон харакат қилишга ўргатиб, қаддиқоматимнинг тик ўсишига ёрдам бермокда. Спорт кийимлари ихчам ва бежиримлиги билан бизга жуда манзур бўлди. Биз, келгусида юртимиз шарафини химоя қиладиган етук спортчи бўлиш учун интилиб, машгулотларда янада фаол иштирок эта-

Ўқувчи-қизларга Президент совгаларининг тантанали топширилиши уларнинг ота-оналари қалбида хам чексиз қувонч ва фахр-ифтихор туйгулари уйготди.

— Фарзандларимизнинг таълим-тарбия олиши, мустақил изланиб, ўз салохиятини кенг намойиш этиши учун барча шароит яратилган, — дейди тумандаги Хўжги махалласида истиқомат қилаётган Шобида Бибитова. — Спорт — ўғил-қизларимнинг соглом улгайишига, мустакил фикрлаш кобилиятини ўстиришга кўмаклашмокда. Кенжа фарзандим Нафиса дарсдан бўш вақтларида спортнинг баскетбол тури билан шуғулланади. Бошқа тенгдошлари қатори Нафисага хам чиройли спорт кийимлари топширилгани бизни гоят рухлантириб юборди. Унинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун янада кўпрок шароит яратиб берамиз. Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик. тўкин-сочинлик ва Юртбошимизнинг болаларимизга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлиги самарасидир.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ. ЎзА мухбири.

Кеча пойтахтимизда Мустахкам оила йили муносабати билан Ўзбекистон Хотинқизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Sen yolg`iz emassan» Республика болалар жамоатчилик жамғармаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ҳамкорлигида «Нафосат олами» шиори остида спорт фестивали бўлиб ўтди. Унда 1997-2004 йилларда туғилган ўғил ва кизлар сузиш, бадиий гимнастика, спорт рақси, синхрон сузиш хамда спорт гимнастикаси бўйича ўз махоратларини намойиш этди.

«НАФОСАТ ОЛАМИ» ОГУШИДА

 Бугуннинг болаларига хавасим келади, — дейди трамполин бўйича Пекин олимпиадаси совриндори Екатерина Хилько. — Уларнинг ёқтирган спорт турлари билан шуғулланишлари ва ўз истеъдодларини намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу каби мусобақалар эса болалар ва ўсмирлар учун ўзига хос махорат мактаби вазифасини ўташ билан биргаликда, улар қалбида спортга бўлган мехр-мухаббатни янада кучайтиради.

Мусобақаларда пойтахтимиздаги мавжуд болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг уч юздан зиёд тарбияланувчилари голиблик учун кураш олиб борди. Чинакам болалар спорт байрамига айланиб кетган мазкур тадбир якунида деярли барча қатнашчи-



лар хомий ва ташкилотчилар томонидан таъсис этилган махсус совғалар билан тақдирлан-

— Икки йилдан бери спорт



бек туманидаги 27-умумтаълим мактабининг 1-синф ўкувчиси Севара Муталова. — Мураббийим Светлана Рамазоновадан ўрганганларим мусобақаларда жуда қўл келмоқда. Бир неча бор шахар биринчиликларида совриндорлар қаторидан жой олдим. Спорт фестивалида хам кучли учликдан ўрин эгаллаганлигимдан жуда хурсанд бўлдим. Бу ерда таникли спортчи, Олимпия чемпиони Оксана Чусовитина билан учрашганимдан бехад бахтиёрман. Орзуим — келажакда у каби Ўзбекистонимизни жахонга танитишдир.

Бундай ажойиб спорт байрамини уюштирган ташкилотчилардан мамнунман. — дейди ота-оналардан бири Насиба Сайдуллаева. — Уч нафар фарзанднинг онасиман. Қизларим Шахзода ва Малика бадиий гимнастика, кенжатойимиз Акмал сузиш билан шуғулланади. Спорт фестивалида ўғлим ҳам иштирок этмоқда. У Миробод туманидаги 328-умумтаълим мактабининг 2-синфида ўқийди. Акмал эндигина етти ёшга тўлди. Спортга қизиқиши жуда баланд.

Тадбир иштирокчиларининг хар биридан ана шундай дил изхорини эшитиш мумкин.

Эркин ХОЛБОБО

ФУТБОЛ ҚОИДАЛАРИ ЎЗГАРАДИ...МИ?

Бугун Лондон (Англия)да Халқаро футбол ассоциациялари кенгашининг (IFAB) навбатдаги 126-мажлиси бўлиб ўтади.

Унда футбол қоидаларига баъзи ўзгартиришлар киритиш масаласи мухокама қилинади. Жумладан, агар ўйин қўшимча бўлимларда ўтадиган бўлса, тўртинчи ўзгаришни хам амалга ошириш, тўп дарвоза чизигини кесиб ўтган ё ўтмаганини аниклайдиган махсус технологияларни футболга жорий қилиш каби масалалар кўриб чикилади.

Бундан ташқари, жарима зарбалари пайтида жонли девор туриши керак бўлган 9 метрлик масофани белгилашда хакамларнинг махсус спрей воситаларидан фойдаланишлари, жарима майдончаси ичида қоида бузган футболчига бир йўла учта жазо — майдондан четлатиш, кейинги ўйинга дисквалификация қилиш ҳамда пенальти белгилаш канчалик адолатли бўлиши, мазкур жазолардан биттасини бекор қилиш каби масалалар ҳам мажлис кун тартибидан ўрин олган.

Китоб жавонингизга

«Ширин олма»

Пойтахтимиздаги «Тафаккур» нашриёти шоир Асрор Мўминнинг янги шеър, достон ва таржималари жамланган «Ширин олма» китобини чоп этди.



Мазкур китобга шоирнинг Ватанга мухаббат, миллий қадриятларга хурмат, севгига садоқат каби энг юксак умуминсоний туйгуларни улугловчи шеърлари, халқимизнинг бой маданий мероси, мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ва иқтидорли ёшларимизнинг илм-фан сохасида эришаётган оламшумул муваффақиятларини тараннум этувчи «Тошкентнома», «Ўзбекистоннома» ва «Хаёт — Ширин» достонлари киритилган. Шунингдек, китобдан дунёга машхур шоирлар — Қайсин Қулиев, Расул Хамзатов, Роберт Рождественский, Давид Қуғултинов ва Николай Добронравовнинг сара шеърлари таржималари хам жой олган. Умид қиламизки, бу китоб адабиёт мухлисларига манзур бўлади.

OE-XABO 03-04 - 03. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

Бухоро ва Навоий вилоятлари

Тошкент, Самарқанд, Жиззах

хамда Сирдарё вилоятлари

Қашқадарё хамда

Сурхондарё вилоятлари

Андижон, Наманган хамда

Фаргона вилоятлари

Тошкент шахри

Дунё бўйлаб (°C)

-3 / +2

+15 / +20

+15/+20

+20 / +25

+13 / +18

+17 / +19

+7 / +3

-11 / -8

-1 / -2

+18/ +18

+20 / +17

+10 / +12

+23 / +22

+3 / +2

Navbatchi:

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV.

Zafar BAKIROV

Bardambek SA'DULLAYEV

0

80

80

8

-3 / +2

+4 / +9

+2 / +7

+4 / +9

+2 / +7

+4 / +6

Лондон

Париж

Москва

Мадрид

Пекин

Гонгконг

Анқара

Токио

Стокгольм

Кейптаун

Кохира

Гавана

Интернет-сухбат

ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДИР

Украиналик Екатерина Буцно билан карийб уч йилдан бери интернет орқали сухбатлашиб тураман. Уни асосан Ўзбекистонда юз бераётган янгиликлар, қизиқтиради. Февраль ойининг бошларида унинг: «Нима ишлар билан бандсиз?» деган саволига бутун Ўзбекистонда, колаверса, мен таълим олаётган ЎзМУда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация килишнинг энг мухим шарти» мавзусидаги халкаро конференцияга катта тайёргарлик кўрилаётганини айтдим.



Екатерина мендан бу анжуман хакидаги маълумотларни юборишимни сўради. Мен хам ўз навбатида дўстимнинг илтимосини бажардим. У халқаро анжуман материаллари билан танишиб чиқкач, конференция хакидаги ўз фикр-мулохазаларини ёзиб юбор-

Екатерина БУЦНО, Украинанинг Хмельницкий гуманитарпедагогика академияси магистранти:

 Мен кўп йиллик тарихга ва такрорланмас маданиятга эга бўлган Ўзбекистонни кўриш орзусида яшайман. Бу юртга бўлган қизиқишларим туфайли Ўзбекистон тарихига оид китобларни кўп ўқиганман. Аммо бу мамлакатга янада яқинроқ бўлишга, миллий қадриятларини ўрганишга, бугунги кунда бўлаётган янгиликлар ва таълим жараёнидаги ислохотлардан хабардор бўлишимга интернет ёрдам берди.

Яқинда ўқитувчим менга Ўзбе-

кистон олий ўкув юртлари, уларда яратилган шароитлар, ўқитиш услублари, ўзбек ёшларининг илмий салохияти хакида маъруза тайёрлашни топширди. Мен бу вазифани хурсандчилик билан кабул килдим ва интернет маълумотлари хамда ўзбекистонлик дўстларим ёрдамида маъруза тайёрладим. Бажарган ишим устозимга ҳам, дўстларимга ҳам маъкул келди. Улар Ўзбекистонга оид янгиликлар билан мунтазам таништириб боришимни илтимос килишди.

Февраль ойининг бошларида Ўзбекистонда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг мухим шарти» мавзусида халқаро конференция бўлишини эшитдим ва унинг бошланишини сабрсизлик билан кутдим. Форумнинг илк кунидан бошлаб интернет орқали янгиликларни, чет эллик мехмонларнинг фикр-мулохазаларини ўкиб бордим ва куйидаги хулосаларга келдим.

Энг таъсирланган жихатим шу бўлдики, ўкитувчи ва мураббийлар куни Ўзбекистонда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаркан ва хатто ўша куни дам олиш куни экан. Бу эса мамлакатингизда муаллим мехнатининг қадрланаётганини кўрсатади. Қизиқишим устун келиб, интернетни титкиладим. Бошқа биронта давлатда ўқитувчилар куни байрам қилинмас экан. Ўқитувчи бугун ёшларга қандай таълимтарбия берса, унинг келажакдаги натижаси шунга яраша бўла-

Ўзбекистонда нуфузли халқаро банкларнинг кредитлари асосан таълим тараққиётига хизмат килаётганлиги хам гоятда мухимдир. Президент Ислом Каримов томонидан илм-фанга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик эртага ўзининг меваларини беришига ишонаман.

Мени қойил қолдирган яна бир масала — бу Ўзбекистонда мактаб таълимини бериш баробарида болаларнинг жисмонан соглом бўлишига хам алохида эътибор қаратилаётганлигидир. Бу борада болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида қаралаётганлиги эътирофга лойиқ. Мен аниқ ишонаман соглом миллат соглом боладан бошланади. Ва буюк келажак хам

соглом болалар билан боглиқ.

Яна бир маълумот мени қизиқтириб қолди. Бу 12 йиллик узлуксиз таълим давомида ёшларга 3-4 та касб-хунар ўргатиш гоясидир. Жуда ҳам узоқни ўйлаб чиқарилган қарор. Мен айнан шундай таълим тизимини қўллаб-қувватлайман. Бу айниқса, қизлар учун фойдали деб ўйлайман. Чунки бундай имконият уларнинг замонавий қарашларга эга бўлишларига, хаёт кийинчиликларини енгиб ўтишларига кўмак беради. Бунга факат Ўзбекистонда яратилган таълим тизими оркали эришиш мумкин. Яна хам аникрок айтадиган бўлсам, кучли педагог ўқитувчилар ёрдамида етук ёшлар тарбияланади. Ўйлайманки, бу борада Ўзбекистонда тажриба етар-

Таълим тизимини ислох килишда Президент Ислом Каримовнинг қўллаб-қувватлаши катта ахамият касб этади. У кишининг конференцияда шахсан қатнашганининг ўзи ёш авлод тарбияси учун қанчалик қайғуришини кўрсатиб турибди. Ёшлар таълим-тарбиясига эътибор — Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси эканлигига ишонаман.

Мен бу фикрларни ёзар эканман, Ўзбекистонга бўлган мехрим, хурматим, эхтиромим янада ортди. Насиб этса, албатта Ўзбекистонга бораман. Самаркандни, Бухорони, Тошкентни ўз кўзим билан кўраман. Тўгрисини айтсам, ўзбекистонлик ёшларга жуда-жуда хавасим келяпти. Уларга дунёдаги барча эзгуликлар ёр бўлсин.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ ёзиб олди.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ БУХОРО ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдолариға таклиф этади.

2012 йил 3 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган Очиқ аукцион савдоларига Қоровулбозор шахри, Карши шох кўчасида жойлашган, «Техник таъминлаш ва бутлаш» шўъба корхонаси хисобидаги, 2008 йилда ишлаб чикарилган, ГБАСНГ NEXIA DAEWOO русумли, давлат рақами 80/681 GAA, тури енгил, ранги перламутровосеребристый, бошлангич бахоси 6 500 000 сўм бўлган автомашина чиқарилган.

Савдолар Бухоро шахри, Шарқ-1 кўчаси, 11/ 2-уйда «Universal Auktsion Invest» масъулияти чекланган жамияти Бухоро вилоят филиалининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўгрисидаги келишувни имзолаб объект бошланғич бахосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда «Universal Auktsion Invest» масъулияти чекланган жамияти Бухоро вилоят филиалининг «Ипотека банк» АТИБ «Сардор» филиали, МФО 00119 СТИР 302083379, 20208000904932168004 хисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашишни истаган шахслар қуйидаги хужжатларни топширишлари шарт:

- аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўгрисидаги гувохнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиклайдиган хужжат илова килинган

 жисмоний шахслардан паспорт нусхаси — закалат пули тўлаганлиги хакида тўлов хужжати.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 10, 17, 24 апрель кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда бўлиб ўтади.

Кўшимча маълумотлар учун Бухоро шахри, Шарқ-1 кўчаси, 11/2-уйга мурожаат қилишин-

Электрон манзил: uai_bux@inbox.ru Гувохнома № 004059

> Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«Oʻzbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

1 2 3 4 5

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



MARKAZIY KENGASHI

Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV **Bobir ALIMOV** Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) **G'affor HOTAMOV** (Bosh muharrir o'rinbosari)

TAHRIR HAY'ATI:

Muslihiddin **MUHIDDINOV** Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR: Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;

ljtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targʻibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uv.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda roʻyxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxong manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uv. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Haimi 2 bosma tabog.

Γ - 346 t — Tijorat materiallari 19850 O'zA yakuni — 23.00 nusxada Topshirilgan vaqti — 01.00bosildi.

Sotuvda erkin narxda